


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5111200 – *Ўзбек тили ва адабиёти* бакалавриат таълим йўналишининг
малака талаблари

Тошкент-2020



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мазкур Малака талаби 110 000 – Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъерий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	5
1.2.1.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	5
1.2.2.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	5
1.2.3.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	6
1.2.4.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари	6
2.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	8
2.1.	Умумий компетенциялар	8
2.2.	Касбий компетенциялар	9
3.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	10
3.1.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар	10
3.2.	<i>5111200-Ўзбек тили ва адабиёти</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	10
	Библиографик маълумотлар	11

1. 5111200 – *Ўзбек тили ва адабиёти* бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5111200–Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил. Бакалавр таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида ўқитиш кундузги (кечки ва сиртқи) таълим шаклларида амалга оширилади.

Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати тўрт йил. Бакалаврият дастурларида кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича меъёрий ўқиш муддатлари фарқланиши мумкин. Кечки ва сиртқи таълим шаклларида меъёрий ўқиш муддатлари кундузги таълимнинг меъёрий муддатига нисбатан камида тенг бўлиши, аммо бир йилдан кўп бўлмаслиги лозим. Кечки ва сиртқи таълим шаклларида меъёрий ўқиш муддатлари олий таълим ташкилоти томонидан мустақил белгиланади.

Бакалаврият дастурларини амалга оширишда олий таълим ташкилоти электрон ўқитиш ва масофавий таълим технологиялардан кенг қўллаши лозим. Хусусан, жисмоний чекланган (ногирон) талабаларни ўқитишда электрон ўқитиш ва масофавий таълим технологиялари орқали ўқув материалларини эркин шаклда олиш ва узатиш имконияти таъминланиши керак.

Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) - йўналиш бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 5111200 – *Ўзбек тили ва адабиёти* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *5111200–Ўзбек тили ва адабиёти* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди. Мазкур таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси ушбу бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

-мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим ташкилотларининг профессор - ўқитувчилари;

-таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув ҳамда тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

-ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқармаси (бўлим) бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

-битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

-олий таълим ташкилотни молиялаштиришни таъминловчи органлар;

-олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасининг талабалари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти – педагогика соҳасидаги йўналиш бўлиб, у умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бакалаврият таълим йўналиши бўйича педагог кадрлар тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

- ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот институтларида мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

- хорижий мамлакатларда ташкил қилинган ўзбек тилини ўргатувчи курсларда, ўзбек тили ва маданияти марказларида фаолият кўрсатиш;

- вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида ишлаш;

- оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- таълимни бошқариш ва педагогик жараёнлар; ўзбек тили ва адабиёти таълими жараёнлари; ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва методлари, таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси; лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёнлари;

- ўзбек тили ва адабиёт таълими ҳамда унинг самарадорлигини ошириш жараёнлари;
- давлат тилида иш юритиш жараёнлари;
- оммавий ахборот воситалари фаолияти жараёнлари;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни.

- ўзбек тили: назарий ва амалий, синхрон, диахрон, ижтимоий-маданий ва диалектологик аспектларда; нутқ маданияти ва услубияти, давлат тилида иш юритиш; замонавий ўзбек тили ва ёзуви;

- адабиёт: бадиий адабиёт ва халқ оғзаки ижоди тарихий ва назарий аспектларда, жаҳон адабиёти;

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгартирилган бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгартирилган муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.3. 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;

- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;
- ахборот-таҳлилий фаолият.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим ташкилоти томонидан аниқланади.

1.2.4 5111200–Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамакисининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажариши қодир бўлиши лозим:

Педагогик фаолияти бўйича:

- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш малакасига эга бўлиш;
- ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштириш;
- ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдалана олиш, бунинг учун ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш;
- кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган маънавий етук мутахассис сифатида шаклланиш;
- ўзбек тили ва адабиётини умумий ўрта таълим мактаблари, профессионал таълим, хорижий мамлакатларда ташкил қилинган ўзбек тили курслари, марказларида ўқитишнинг самарали усулларини чуқур эгаллаши ва ундан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- хорижий тилларни (рус, инглиз тилини) чуқур ўзлаштириши ва ундан касбий фаолиятда фойдалана олиш;
- ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими билан яқиндан танишган ҳолда улардаги ўқитишнинг илғор усулларини таълим жараёнига татбиқ қила олиш;
- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гнесеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;
- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиши;
- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шакллари билан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;
- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш.
- ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштириш;
- ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдалана олиш, бунинг учун ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш;
- Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий кадрларга ҳурмат руҳида шаклланиб бориш;
- кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган маънавий етук мутахассис сифатида шаклланиш;
- ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг самарали усулларини чуқур эгаллаши ва ундан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши;
- инглиз тилини чуқур ўзлаштириши ва ундан касбий фаолиятда фойдалана олиш;

- ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими билан яқиндан танишган ҳолда, улардаги ўқитишнинг илғор усуллари таълим жараёнига татбиқ қила олиш **қобилиятига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- ўзбек тили, адабиёти, чоғиштирма тилшунослик соҳасида олинган назарий амалий билимларни қўллаш орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ўзбек тилини ўқитиш методикасига, шунингдек, тилшунослик, адабиётшуносликнинг назарий масалаларига оид мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш;

- рус ва бошқа хорижий тиллардаги манбаларни ўқий олиш ва таржима қила олиш, ўз тадқиқоти мавзусига оид рус, инглиз тилидаги материалларни ўқий олиш ва амалда қўллаш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

- тил ва адабиёт ўқитишнинг самарали методларига оид хорижий давлатлардаги илмий тўпламлар, илмий-тадқиқотларни ўрганиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

- ўзбек тили ва адабиёти соҳасида олинган назарий амалий билимларни қўллаш орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш;

- эски ўзбек тилида ёзилган қўлёзма манбаларни ўқиш ва татбиқ қила олиш;

- тадқиқот мавзусига оид инглиз тилидаги материалларни ўқий олиш ва амалда қўллаш;

- илмий-тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий ғоя ва миллий ғурурни сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига, ҳозирги даврдаги энг глобал муаммо – оммавий маданиятга қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича малака ва тажрибасига;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича суҳбатлар ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш **қобилиятига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- касбий муаммолар ечимини топиш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ҳамда уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижасини баҳолаш.

Ахборот-таҳлил фаолияти бўйича:

- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиш тизимининг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, турли кўрсаткичлар бўйича маълумотлар базасини юритиш ва ташкилий лойиҳалар иштирокчиларига ахборот таъминотини яратиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилотни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда (корхона, давлат ёки маҳаллий бошқарув идораси) ташки алоқаларни кенгайтириш ва тажриба алмашиш учун зарур маълумот тўплаш тизимларидан фойдаланган ҳолда шериклар билан муносабатларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш;
- тил ўргатиш жараёнида бизнес-режаларни моделлаштириш ва бизнес жараёнларини ташкилотларнинг амалий фаолиятида қайта ташкил этиш усулларидан фойдаланиш;
- хорижий ҳамкорлар билан ёзишмалар олиб бориш, электрон ҳужжатлар юритиш;
- ижтимоий тармоқларда, ОАВда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва обрўсини ошириш чораларни кўришга оид тарғибот материалларини тайёрлаш.

5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълими муассасаларида “Ўзбек тили”, “Она тили ва адабиёти”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Адабиёт” фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;
- таълим тизимида кабинет мудирини ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;
- мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;
- ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;
- архивларда, ахборот-ресурс марказларида маслаҳатчи-методист; нашриётларда, оммавий ахборот воситаларида муҳаррир, мусахҳих; қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат ва жамоат ташкилотларида ишлаш;
- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;
- хорижий мамлакатларда ташкил қилинган ўзбек тилини ўргатувчи курсларда, ўзбек тили ва маданияти марказларида фаолият кўрсатиш;
- вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида ишлаш;
- ишлаб чиқариш соҳаларида, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

2. 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.2. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётини нуқтаи назарга эга бўлиш;
- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиш, мустақил таҳлил қила олиш, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий талаблар даражасида ўз фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллаш билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

-соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтиришнинг билим, кўникма ва қобилиятларига эга бўлиш.

2.3. Касбий компетенциялар:

- “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонунини; Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг таълим тизимини такомиллаштиришга оид Қарор ва фармойишларини ҳамда давлат таълим стандартларини мукамал билиш;

- ўқитадиган ўқув предмети бўйича дарсни ташкил этиш методикасини, педагогик ва касбий мулоқот назарияси ва амалиётини, ёш психологияси ва физиологиясини тўлиқ ўзлаштириш;

- хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

- ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича ўқувчиларга давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосланган назарий ва амалий ўқув машғулотларини олиб боришни таъминлаш;

- ўқувчиларнинг давоматини назорат қилиш, ўзлаштиришини рейтинг Низоми асосида объектив баҳолашни таъминлаш;

- ўқувчиларни фанлар бўйича олимпиадаларга, турли мусобақаларга, илмий конференция ва фестивалларга тайёрлаш, очик дарслар ташкил қилиш, фан тўғрақлари ишларига раҳбарлик қилиш;

- ўзбек тили ва адабиёт фанини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- ўзбек тили ва адабиётга оид назарий билимларини мунтазам такомиллаштириб бориш, она тили ва адабиёт фанларининг долзарб масалаларини илғай олиш, ўқитувчилик фаолиятида қўллай билиш ва ўқувчиларга етказа олиш;

- ўзбек тили ва адабиёти тарихи, таълимоти ва назариялари, йирик намояндалари, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;

- тилшунослик ва адабиётшуносликдаги тизимли ёндашув усулларини таҳлил жараёнига татбиқ этиш;

- она тили ва адабиёт фанини ўқитишда машғулотларда мавзунини ўқувчилар ёш хусусиятидан келиб чиқиб ўтиш усуллари борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни эгаллаш;

- бадиий асарни, адабий ва бошқа матнларни лисоний таҳлил этиш ҳамда унинг методларини дарс давомида қўллай олиш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ўзбек тили, ўзбек адабиёти ҳамда бу фанларни умумтаълим мактабларида ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот ишларини олиб бориш;

- интернет тармоғидаги ўзбек тили ва адабиёти фанининг энг янги илмий ютуқлари ҳақидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориш, фанга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- дарс машғулотларида Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;

- ўқув машғулотларида ўқувчиларда умуминсоний қадриятларга содиқлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга эътибор қаратиш;

- Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқелик ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, улардан ҳаёт ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- таълим жараёнининг долзарб муаммо ва масалаларига доир ахборотларни таҳлил

килиш, ўз муносабатини билдириш;

- замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг илғор ва самарали усуллари танлай олиш, амалиётга татбиқ қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- таълимий фаолиятга оид илмий-услубий мақола ва тезислар, ишланмалар, тавсиялар тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- ўзбек тили ва адабиётига доир билимларни ҳосил қилиш, таълимий мақсадга мувофиқ кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг энг самарали ва қулай усул ва методларини билиш.

- юқори савияда дарс машғулотларини ташкил қилиш маҳоратига эга бўлиш;

- вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини чуқур билиш;

- ўзбек тилини дунё микёсида тарғиб қилиш қобилиятини шакллантириш;

- хорижий мамлакатларда ташкил қилинган ўзбек тилини ўргатувчи курсларда, ўзбек тили ва маданияти марказларида фаолият кўрсатиш малакасини эгаллаш;

- халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, оммавий нотиклик қилиш, музокаралар, учрашувлар, халқаро ёзишмалар ва электрон алоқаларни олиб бориш қобилияти;

- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиш.

Бакалаврият дастурини ишлаб чиқишда ташкилот бакалавр дастурининг маълум билим ва (ёки) фаолият турига (йўналишига) йўналишини ҳисобга олган ҳолда битирувчиларнинг қўшимча компетенциялар билан тўлдиришига ҳақлидир.

2.3. Қуйидаги бакалавр даражаси квалификацияси берилади:

- Педагог, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи.

3. 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1.5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2.5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши**	2-3%	2-10%	2-10%

* Назарий таълим таркибига аттестациялар ҳам киради.

** Битирув малакавий иши таркибига уни ҳимоялаш бўйича Давлат аттестациялари ҳам киради.

Ўқишнинг меъёрий муддати (бакалавриат кундизги шакли) тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Назарий ва амалий таълим	106 ҳафта
Малака амалиётлари	30 ҳафта
Битирув малакавий иши ёки давлат аттестацияси	5 ҳафта
Аттестациялар	21 ҳафта
Таътиллار	42 ҳафта
Жами	204 ҳафта

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим –	51 %;
аттестация –	10 %;
таътил –	20 %;
малака амалиёти –	17 %;
битирув малакавий иши –	2 %.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7
ОКС 01.040.01

Гуруҳ Т 55

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, кредит, модуль, касбий фаолият турлари, амалиёт объекти, кадрлар сифати, касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли; ўзбек тилини ўқитиш методикаси, ҳозирги ўзбек тили, нутқ, меъёр, ўзбек адабиёти, тил ўрганиш, тил ўрганишнинг психолингвистик асослари, юклама, юклама ҳажми, замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаштириш, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаштириш, фан ишчи дастурлари, замонавий улчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил этиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария. Касбий фаолият тури, педагогик фаолият тури, компетенция, умумий компетенция, касбий компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчи, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети



Ректор Ш.Сирожидинов

2020 йил « 13 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор З.Хакимов

2020 йил « _____ » _____

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги хузуридаги Республика
таълим маркази

Директор Ш.Сатторов

2020 йил « 13 » 08
М.Ў.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалаврият таълим йўналиши малака
талабларининг ишлаб чикувчилари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ 12 ” 08 2020 й.

Биз қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Республика таълим маркази директори Ш. Сагторов, “Тил ва адабиёт таълими” журнали муҳаррири Б.Жовлиев ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўқув ишлари бўйича проректори С.Нормамамовлар Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг профессор-ўқитувчилари билан биргаликда Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган малака талабларининг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

5111200 – *Ўзбек тили ва адабиёти* бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ҳамда “Тил ва адабиёт таълими” журнали томонидан қўйилган талаблар инobatга олинган.

5111200 – *Ўзбек тили ва адабиёти* бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ижросини таъминлаш ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

5111200 – *Ўзбек тили ва адабиёти* бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари ўқув режалари, фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва
илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

З.Хакимов

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,
Республика Таълим маркази директори

Ш.Сатторов

“Тил ва адабиёт таълими” журнали муҳаррири

Б.Жовлиев

Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича
проректори

С.Нормаматов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III-қисмида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да ва ҳар бир таянч ОТМ учун Хукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти бакалаврият таълим йўналиши малака талабларини турдош олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“18” 08 2020 й.

Қатнашдилар: У.Саломов – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ш.Шерматов – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири, ЖизДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, НавДПИ ректори, ҚўқДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, НукДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, БухДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ГулДУ ўқув ишлари бўйича проректори, СамДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ТерДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ҚаршиДУ ўқув ишлари бўйича проректори, УргДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ФарДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ҚҚДУ ўқув ишлари бўйича проректори, АндДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Б.Абдушукуров – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети декани, А.Сайфуллаев – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани, Л.Раупова – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш факультети декани, С.Мухаммедова – Ўзбек тили факультети декани ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ:

1. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ижодий ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада

кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да ва ҳар бир таянч ОТМ учун Ҳукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар асосида 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 51201100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили), 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари малака талаблари муҳокамаси.

